

Термиз туманида “Саломатлик сайллари” ойлиги доирасида тиббий кўрик тадбирлари ўтказилди



7 апрель — “Халқаро саломатлик” куни муносабати билан республикамиз бўйлаб Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилаётган “Саломатлик сайллари” ойлиги доирасидаги тадбирлар Термиз туманида ҳам давом этмоқда.

Акция доирасида тумандаги “Марварид” дам олиш масканида йигирмадан ортиқ мутахассисликлар бўйича республика ва вилоят ихтисослаштирилган тиббий марказларининг малакали шифокорлари томонидан 900 га яқин туман фуқаролари тиббий кўриқдан ўтказилди.

Тадбирда тумандаги мавжуд оилавий поликлиникаларда рўйхатда турган беморлар, ёши улуғ кексалар, ёш болали оналар, уларнинг фарзандлари чуқурлаштирилган кўриқларга жалб қилинди. Уларга малакали мутахассислар томонидан ташхислар қўйилиб, тегишли тавсиялар берилди.